

Сиртқи бўлим



Сиртқи бўлим бошлиғи

Эркинов Баходир Нариманович

b.erkinov@tiame.uz

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Сиртқи бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 930-сон Қарори асосида ташкил этилди. Институтда сиртқи таълим куйидаги шаклларда: сиртқи шакл ҳамда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шаклида олиб борилади. Сиртқи бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари, институт ректорининг буйруқлари ҳамда бўлим Низомига амал қилади.

Сиртқи бўлимнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- Сиртқи таълим жараёнини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилишини таъминлаш;
- Сиртқи таълим шаклида истеъмолчиларни талабларига жавоб берадиган таълим хизматларини кўрсатиш ва халқаро таълим стандартларига мос келадиган таълим сифатини таъминлаш;
- Сиртқи таълим шакли бўйича ўқув жараёнини ташкил этадиган норматив-методик таъминотни такомиллаштириш;
- Сиртқи бўлимни институтнинг бошқа тузиламалари билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш ва ривожлантириш;
- Фан, таълим ва бозор муносабатлари талабларини ўрганган ҳолда сиртқи таълим шаклида таълим хизматлари кўрсатиш ва ўқитишнинг илғор технологияларини доимий равишда такомиллаштириш ҳамда таълим жараёнига илғор таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш ва бошқалар.

Сиртқи бўлимда жами 1071 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шундан, сиртқи таълим бўйича 1-курсда 629 нафар, 2-курсда 399 нафар, 3-курсда 27 нафар, 4-курсда 16 нафар талаба. Сиртқи таълимда талабалари қуйидаги йўналишлар бўйича таҳсил олмоқдалар:

- 1 5450200 Сув хўжалиги ва мелиорация
- 2 5430100 Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш

- 3 5450300 Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш
- 4 5340700 Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)
- 5 5450400 Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш
- 6 5311000 Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (сув хўжалигида)
- 7 5230900 Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув хўжалигида)
- 8 5450600 Ирригация тизимларида гидроэнергетика объектлари
- 9 5430500 Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти
- 10 5410700 Ер кадастри ва ердан фойдаланиш
- 11 5230200 Менежмент (сув хўжалигида)

Иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришни сиртқи шаклида эса талабалар қуйидаги таълим шаклларида таҳсил олмоқда:

- 1 5450200 Сув хўжалиги ва мелиорация
- 2 5430100 Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
- 3 5340700 Гидротехника қурилиши (сув хўжалигида)
- 4 5450400 Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш
- 5 5310200 Электр энергетикаси (сув хўжалигида)
- 6 5311000 Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (сув хўжалигида)
- 7 5230100 Иқтисодиёт (сув хўжалигида)
- 8 5230900 Менежмент (сув хўжалигида)
- 9 5230900 Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув хўжалигида)
- 10 5410700 Ер тузиш ва ер кадастри
- 11 5410700 Ер кадастри ва ердан фойдаланиш
- 12 5310500 Қишлоқ ва сув хўжалигида энергия таъминоти

Меъёрий хужжатлар

Дарс жадвали

Институт ички таркиб қоидалари

Ишчи ўқув режалари

Ўқув жараёнини ташкил этиш